ТУРКИСТОНДА ПАХТАЧИЛИКНИ ТИКЛАШ ТАРИХИДАН (1917-1924 ЙИЛЛАР)

Э.М. Эркаев

В статье рассматривается политика советского правительства в области восстановления и развития хлопководства в Узбекистане, раскрывается основная цель этой политики, заключающейся в обеспечении текстильной промышленности Центра сырьевыми ресурсами.

The article discusses the policy of the former Soviet Government in the fields of establishing and development of cotton growing activity in Uzbekistan. The author tries to depict the essence of this policy whose main aim was to turn the republic into a main basis providing the textile industry of the Center with the raw cotton.

Октябрь тўнтариши, большевиклар амалга оширган иқтисодий қайта қуриш, қизил армия билан истиқлолчилар ўртасида қуролли курашнинг кучайиши биринчи жаҳон уруши туфайли оғир аҳволга тушган ўлка иқтисодиётини, айниқса, пахтачиликни бир йўла таназзулга учратди.

РСФСР ҳукумати октябрь тўнтаришининг дастлабки кунларидан бошлаб Россия марказидаги тўқимачилик фабрикаларини пахта хомашёси билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берган. Пахтачилик тармоғини мамлакат миқёсида бошқариш РСФСР Олий халқ хўжалик кенгашига (ОХХК) юкланди. ОХХК биринчи навбатда пахта давлат монополияси эканлигини барчага маълум қилишни зарур деб билди. 1918 йил 12 январда РСФСР ОХХК “Пахтачилик ишларини монополияга айлантириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Қарорда таъкидланишича, пахтачилик ва пахта савдоси билан боғлиқ барча масалалар фақат давлат монополияси ҳисобланарди. Туркистонда мавжуд бўлган пахта заҳираларининг барчаси давлат мулкига айлантирилганлиги эълон қилинди.

Большевиклар режими ўрнатилгандан кейинги дастлабки йилларда Туркистон ўлкасининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳолати жуда мураккаб эди. Шунга қарамай, РСФСР ҳукумати ўлкада пахта етиштиришга ва уни ташиб кетишга биринчи даражали эътибор берди. Бундан кўзланган асосий муддао Россиядаги тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлаш ва қизил армиянинг, ишчиларнинг кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш эди. Шу мақсаддан келиб чиқиб РСФСР ОХХКнинг “Пахтачилик ишларини монополияга айлантириш тўғрисида”ги қарори асосида ва марказнинг топшириғи билан Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлар Совети раиси Федор Колесов 1918 йил 26 февралда “Ўлкадаги пахтани мусодара қилиш тўғрисида”ги декретни тасдиқдади. Декретда “Ҳозирги кунда Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган барча пахта, қандай кўринишда, қайси жойда бўлишидан қатъи назар, мусодара қилинади ва давлат мулки, деб эълон қилинади. Барча советлар, темир йўли комитетлари бу декретни амалга ошириш, барча пахтани темир йўл станцияларига олиб келиш ва дарҳол Тошкент станциясига жўнатиш учун ўз вакилларини ажратади. Мабодо эгалари қаршилик кўрсатса,

уларни жойида отишгача бўлган чоралар кўрилсин" [1], деб қайд этилган эди.

Туркистонда мусодара қилинган пахта Россия тўқимачилик саноатига тинимсиз катта микдорда жўнатиб турилди. 1918 йилда Марказга Оренбург ва Красноводск темир йўллари орқали 1310 вагон пахта толаси юборилган. 1919 йил январ-май ойларида Оренбург йўналиши бўйича 443 вагон пахта толаси юборилган. Июн ойида эса Красноводск йўналиши бўйича 131 вагон ва Оренбург йўналиши бўйича 549 вагон пахта толаси жўнатилган. Шунга мос равишда июлда 389 вагон ва 1149 вагон, августда 405 вагон ва 814 вагон, сентябрда 197 вагон ва 795 вагон, октябрда 389 вагон ва 189 вагон, жами 1919 йилда Крановодск йўналиши бўйича 1504 вагон ва Оренбург йўналиши бўйича 3939 вагон пахта толаси Россияга ташиб кетилган [2.117-120].

1920 йилда 1919 йилга нисбатан бир ярим баробардан ортиқ пахта толаси олиб кетилган. Туркистондан Россиянинг тўқимачилик фабрикалари учун 1920 йилда темир йўли орқали 8565 вагондан иборат 4 млн. 283 минг пуд пахта толаси юборилган. Бундан ташқари, 1919 йилда 3 млн. 150 пуд ва 1920 йилда 2 млн.728 минг пуд хом пахта ҳам ташиб кетилган [6].

1921 йил 24 августда Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши РСФСР Олий халқ хўжалик кенгаши қошидаги Бош пахта қўмитаси тўғрисида қарор қабул қилди. 1921 йил 22 сентябрда эса "Пахтачилик, пахта тозалаш саноати ва пахта сотиб олишнинг давлат томонидан ташкил қилиниши тўғрисида Низом"ни тасдиқлади [7]. Бу қарорлар пахтакор ўлкаларда, жумладан, Ўзбекистонда пахта якка ҳокимлигини шакллантиришга ва уни пахта хомашё базасига айлантиришга асос яратиб берди.

Туркистонда ирригациянинг оғир аҳволда эканлигини, пахтачиликни тиклаш ирригация шаҳобчаларини таъмирлашга боғлиқлигини ҳисобга олиб, совет ҳукумати 1923 йил учун бу ишга 6 млн. сўм (олтин пул ҳисобида) маблағ ажратди. Бу, албатта, суғоришни яхшилашга салмоқли таъсир кўрсатди.

1923 йилда пахта экиладиган майдонлар 192,8 минг гектарни, пахта ялпи ҳосили эса 37,7 минг тоннани ташкил қилган. 1922 йилга нисбатан 1923 йилда пахта майдони 123,5 минг гектар, ялпи ҳосили эса 25 минг тонна ортиқ бўлган [3.26].

Давлат томонидан яратиб берилган қулай шароит туфайли Ўзбекистонда тез суръатлар билан экин майдони тиклана бошлади. Агарда 1923-24 йилда Ўзбекистонда экин майдони 1009,8 минг га.ни ташкил қилган бўлса, 1924-25 йилда 1144,9 минг га.га кўпайган [4.153].

Ирригациянинг тикланиши ва ривожланиши, ташландиқ ва қўриқ ерларнинг очилиши пахта экин майдонларининг кенгайишида, пахтачиликни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Деҳқон хўжаликларига кредитлар бериш мақсадида Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети 1922 йил декабрда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банкини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банкининг асосий вазифаси ҳам пахтачиликни ривожлантириш бўлган. Шу мақсадда банк қишлоқ хўжалик кредит ширкатларини ташкил қилиб, улар орқали пахтакор ва бошқа деҳқон хўжаликларига аванс берган.

Пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ичида совет ҳукумати томонидан амалга оширилган пахта экин майдонига солиқ солиш сиёсати муҳим роль ўйнаган. 1922-1928 йилларда Ўрта Осиёда пахта майдони 56185 гектардан 781814 гектарга, яъни деярли 14 марта ортган [8]. Пахта майдонининг бундай тез суръатлар билан ўсишида совет ҳукуматининг пахта экиладиган майдонларга берган имтиёзли солиқ сиёсатининг аҳамияти катта бўлган.

Бош пахта қўмитаси пахтакорларни саноат моллари билан таъминлаш масаласига доимо алоҳида эътибор қаратган.

Марказ тўқимачилик саноатининг пахта хомашёсига бўлган талаби йилдан-йилга ортиб борди. Ғалла экинлари майдони ҳисобига пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида Иттифоқ ҳукумати Ўрта Осиёга юбориладиган дон миқдорини йилдан-йилга орттириб борди. Айниқса, 1925-26 йилдан бошлаб Марказдан юборилган ғалла миқдори кескин ўсган. 1922-23 хўжалик йили Ўрта Осиёга 2 млн. пудга яқин дон келтирилган бўлса, 1925-26 йилда 15 млн. пуддан ортиқ ғалла келтирилган. Бош пахта қўмитасининг саъй-ҳаракатлари билан Иттифоқ ҳукумати томонидан Ўрта Осиёга юборилган дон микдорининг ортиши ғалла экин майдонларининг камайишига ва пахта экин майдонларини кенгайишига олиб келди.

Шуни ҳам айтиш керакки, пахтачиликни ривожлантириш мақсадида РСФСР, кейин СССР ҳукумати фақат пахтани ўзлаштириш билан чекланиб қолмаган. Жумладан, 1920-йилларда Ўзбекистонда пахтачилик бўйича селекция станцияси ташкил қилинган. Станция ходимлари пахта селекцияси ва уруғчилик бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар, пахтанинг маҳаллий янги навларини яратдилар. Бу ишда рус олимлари Г.С.Зайцев, Е.Л.Навроцкий, Р.Р.Шредер, С.С.Канаш ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди [5.93]. Станция ходимлари агропунктлар тажриба далаларида пахтанинг янги навларини синовдан ўтказиб, уруғини олиб семхоз (уруғчилик хўжалик)ларга кўпайтириш учун берганлар.

1920-йилларда ирригация соҳасида ҳам илмий тадқиқот ишлари анча кенгайди. Гидрометрик станция ва постлар тиклана бошланди. Тажриба-мелиоратив станциялари иш бошлади. Бу илмий ўчоқларда суғориш норма (меъёр)лари, қишлоқ хўжалик суғориш тартиби масалалари ўрганилди. 1925 йилда Гидротехника илмий-тадқиқот институти ташкил бўлди [5.237]. Бу институт негизида кейинчалик Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти ташкил топди.

Умуман, Бош пахта қўмитаси кўрган чора-тадбирлар натижасида пахта экин майдонининг қисқариши 1923 йилда тўхтатилди ва пахта экин майдонларини тиклаш бошланди, пахтачиликни механизациялаш, мелиорациялаш, химиялаштириш соҳаларида дастлабки самарали ишлар амалга оширилди.

СССР Бош пахта қўмитаси саноат бўлимининг маълумотига кўра, 1923-24 хўжалик йилида Туркпахта – Туркистон пахта акционерлик жамияти Марказга темир йўли орқали Оренбург йўналиши бўйича 32.084.493 кг, Красноводск йўналиши бўйича 5.545.912 кг пахта толаси жўнатган, жаъми жўнатилган пахта 37.630.405 кг.ни ташкил қилган.

Туркистонда, кейин Ўзбекистонда етиштирилган пахтанинг 90 фоизи Марказнинг тўқимачилик корхоналари учун ташиб кетилган. Пахтачилик тикланган сари, пахта етиштириш ортгани сари Россияга ташиб кетилган пахта микдори ҳам ортиб борган. Пахта толаси Марказга жўнатиладиган асосий маҳсулот ҳисобланган. Шу билан бирга, пахтанинг бошқа маҳсулотлари – пахта ёғи, совун, линтер пахта, кунжара, шелуха ҳам Марказга мунтазам жўнатиб турилган.

Адабиётлар:

1. “Наша газета”.- 1918.- 28 февраля
2. Очерки хозяйственной жизни Туркреспублики . -Т., 1920
3. Заготовка хлопка в СССР. Справочник о Средней Азии. – Т, 1948
4. История народного хозяйства Узбекистана. - Т., 1962
5. История развития хлопководства в Узбекистане. -Т.: Фан, 1983
6. ЎзР МДА, 111-фонд, 1-рўйхат, 940-иш, 123- варақ
7. ЎзР МДА,473-фонд,1-рўйхат, 194-иш,41-45 варақ
8. ЎзР МДА, 473-фонд, 1-рўйхат, 1551-иш, 1-варақ

Андижон давлат университети,
2012 йил 10 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)